



НИДЕРЛАНДИЯ: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АГРАР ИСЛОҲОТЛАРГА ЮКСАК БАҲО ВА ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Қаҳрамон ТУРСУНОВ,
сиёсий фанлар номзоди, доцент*

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар тез фурсатда самарасини бермоқда. Ушбу соҳада янгича ғоя ҳамда ёндашувлар татбиқ этилаётгани ютуқларга қанот бўлмоқда. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини очиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ишлар Нидерландиядаги экспертлар, ишбилармон доира вакиллари томонидан юксак баҳоланаяпти¹.

Меувес Брауэр, Нидерландия қиролигининг Москвадаги элчихонаси қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича маслаҳатчиси: “Ўзбекистонни иқтисодий томондан тез суръатларда ривожланиб бораётган илғор давлатлар сирасига бемалол қўшиш мумкин. Бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳиссаси жуда катта. Чунки у давлат раҳбари сифатида мамлакатни иқтисодий жиҳатдан бақувват қилишга қаратилган барча ҳаракатни қиляпти, нафақат маҳаллий, балки хорижий инвесторларга ҳам кенг

имкониятларни яратиб берапти. Айниқса, валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича қабул қилинган ҳужжатлар мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий ишлаб чиқариш объектларини бунёд этишга хизмат қилмоқда. Чет давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиқди. Ислоҳотлар шундай давом эттирилса, ўйлайманки, Ўзбекистон бундан-да яхши ютуқларни қўлга киритади”².

2018 й. июль ойида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири бошчилигидаги делегация мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш мақсадида Брюсселга ташриф буюрди. Ўзбекистон делегацияси Бельгия, Нидерландия ва Германия ишбилармонлик доиралари вакиллари билан учрашди.

Жумладан, голланд компанияларининг кластер тизимини қўллаган ҳолда боғдорчиликни ривожлантириш бўйича тажрибасини кўриб чиқиш мақсадида Амстердамда мамлакат Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва инновациялар вазир-

¹ Нидерландия: Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларининг қарор топиш тажрибасини ўрганишга оид // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2017. – №1. – Б.56–59.

² “Инвесторларга яратиб берилаётган шароитлардан мамнунмиз” // Халқ сўзи. – 2018. – 16 май.





лиги раҳбарияти, Нидерландия ишлаб чиқарувчилар уюшмаси (DPA), Fresh Produce Centre уюшмаси, World Horti Center билим ва инновациялар маркази каби ташкилотлар раҳбарлари билан мулоқот ўтказилди. DPA 1997 йилда мева ва сабзавот етиштирувчилар манфаатларини миллий ва Европа бозорларида тақдим этиш мақсадида тузилган. Нидерландиядаги 14 та йирик қишлоқ хўжалиги компанияларини ўзида бирлаштирган мазкур уюшма маҳаллий фермерлар томонидан ишлаб чиқариладиган мева, сабзавот ва қўзиқоринлар маркетингини мувофиқлаштириб боради. Музокараларда агрокластерлар тузиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларига инновацион услубларни татбиқ этиш, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Европа бозорларига олиб чиқиш мақсадида Нидерландиянинг транспорт логистикаси, санитар ва фитосанитар чора-тадбирлари борасидаги илғор ишланмаларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Икки давлатнинг соҳага ихтисослаштирилган олий ўқув юрлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятлари кўриб чиқилди³.

Нидерландия ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирликлари ўртасида ҳамкорлик протоколи имзоланган. Вазирлик раҳбарияти ички ва ташқи бозорларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш занжирини яратишда тажриба алмашиш бўйича ўзбекистонлик фермерлар билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирди. Бундан ташқари, Нидерландия томони Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар бозорларига кириш, маҳсулотларни сертификациялаш ва логистика бўйича кўникмаларни ошириш бўйича ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрлигини билдирди⁴.

Марелин Соннема, Нидерландия қиролиги қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит ва озиқ-овқат сифати вазири ўринбосари: “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, иқтисодиётдаги илғор технологиялар ва ишланмаларни жалб қилиш бўйича кўриладиган чора-тадбир-

ларнинг натижаларини юксак баҳолаш мумкин. Ўзбек деҳқонларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда Нидерландия ҳукумати кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қиламиз. Ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокаралар ўта самарали яқунланди. Бирга ишлаш учун имкониятлар катта эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистон билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Бу хорижий инвестициялар ҳажмини ошириб, ўзбек бозорига киришга интиладиган чет эл компаниялари учун янги имкониятлар яратади. Ўзбекистондаги ўзгаришлар мамлакатингизга сармоя киритмоқчи бўлган, ўзининг билим ва тажрибаси билан бўлишмоқчи бўлган Нидерландия компанияларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бугун биз боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик, сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида кенг имкониятларни кўряпмиз”⁵.

Жос Бонстра, Нидерландиядаги Европа хавфсизлик тадқиқотлари маркази эксперти: “Ўзбекистоннинг янги очиклик сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан “позитив ишора” сифатида қабул қилинди. Натижада сўнгги вақтларда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатга қизиқиши кескин ортиши кузатилади. Расмий Тошкент деярли барча соҳада очиклик ва ҳамкорликка тайёрлигини билдираётди. Қўшни давлатлар билан муносабатларда узоқ йиллар мобайнида сақланиб қолган муаммоларнинг ҳал қилиниши Шавкат Мирзиёев эришган катта ютуқлардан бири бўлди. Бундан келиб чиққан ҳолда Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан ҳамкорликни жадаллаштириши лозим. Бунинг учун қисқа ва ўрта муддатга мўлжалланган ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилиши керак”⁶.

2019 й. бошларида Наманган муҳандислик-технология институти делегацияси Нидерландиядаги “Lighthart” фермер хўжалигига ташриф буюрди. Меҳмонлар таркибидан Гулчиликни ривож-

³ Люк Девин: “Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган либераллашув ва демократлашув жараёнларини олқишлаймиз”. // Халқ сўзи. – 2018. – 14 июнь.

⁴⁻⁵ Нидерландия ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирликлари ўртасида ҳамкорлик протоколи имзоланди. 2018 й. 16 август // Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг веб-сайти – www.agro.uz.

⁶ Euractiv: “Шавкат Мирзиёев – етук ва узоқни кўзлайдиган давлат арбоби, ҳақиқий ислохотчи” // Халқ сўзи. – 2018. – 25 июль.



лантириш маркази вакиллари ҳам жой олди. ”Дунё” ахборот агентлигининг хабар беришича, ташриф чоғида улар лола етиштиришнинг барча босқичи, пиёзларни қадашдан тортиб, мамлакатда ташкил этиладиган аукционларда гулларни сотишгача бўлган жараён билан батафсил таништирилди. Айниқса, Ўзбекистон делегацияси пиёзларни кейинчалик уларни далага экиш учун танлаш ва селекция қилиш, навлар, уларнинг ранглари ва янада замонавий, совуққа чидамли, узун бўйли лолаларни катта қизиқиш билан ўрганишди. Наманганлик фермерлар лолаларни парвариш қилиш техникаси, жумладан, экувчи ҳамда йиғувчи қурилмалар, гуллаган лоланинг савдо учун узоқ вақт сақланишини таъминлаш технологияларидан ҳам бохабар бўлдилар⁷.

Нидерландиянинг “Lely” ва “ТСТ-Agro” компаниялари Ўзбекистон бозорига киришни ва ишончли ҳамкорга айланишни режалаштирган.

“Lely” компанияси узоқ йиллар давомида ривожланаётган мамлакатларда ўзининг илғор тажрибаси ва технологиясини муваффақиятли жорий этиб келмоқда ва шу йўл орқали янги иш ўринлари яратмоқда. Ўзбекистонга ташриф арафасида компания Қишлоқ хўжалигида Нидерландия технологиялари инновацион марказини ташкил этиш борасидаги режаларини эълон қилди. Тўлалигича Ўзбекистон ҳудудида маҳаллийлаштириладиган қишлоқ хўжалиги кластерини ташкил қилишни кўзда тутувчи мазкур марказ лойиҳасининг тахминий қиймати 10 млн. еврога тенг. Ерга ишлов бериш, чорвачиликни ривожлантириш, тайёр сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш борасидаги Нидерландиянинг илғор технологияларини жорий этиш мўлжалланмоқда.

Ўзининг тупроқ остини суюқ органик ўғитловчи технологиялари билан машҳур бошқа бир Нидерландия компанияси “ТСТ-Agro” билан ҳамкорлик алоқалари бўйича дастлабки келишувларга эришилди⁸.

2019 й. 11-15 март кунлари Нидерланд қироллиги агросаноат соҳасидаги 45 дан зиёд корхоналарининг 70 вакиллари билан иборат қишлоқ хўжа-

лиги савдо миссияси Ўзбекистонда бўлишди. Миссия таркибидан қишлоқ хўжалиги экинлари, чорвачилик, иссиқхоналар, боғдорчилик ва бошқа шу каби қатор жабҳаларда фаолият юритадиган корхоналар ўрин олган. Делегация ташрифи доирасида 12 март куни Тошкентда, 14 март куни Наманганда “Нидерландия — Ўзбекистон” мавзусида агробизнес форуми бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Нидерландиянинг замонавий технологиялар ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан юртимиз аграр соҳа вакиллари ўртасида ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган қатор учрашувлар бўлиб ўтди. Нидерландия қироллигининг фавқуллода ва мухтор элчиси Рене Жонс-Бос бошчилигидаги делегация “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бозори ва бизнес юритиш шартлари” мавзусида ўтказиладиган В2G(бизнес-давлат) форматидаги Ўзбекистон—Нидерландия музокараларида иштирок этди. Кўп томонлама учрашувлар ва форумдан ташқари, меҳмонлар “Agro World Uzbekistan — 2019” кўрғазмасида қатнашишди, Наманган вилоятидаги қишлоқ хўжалиги объектларига ташриф буюришди⁹.

Хузайфа Иброҳим, Нидерландия “Holland Rosetta” компаниясининг савдо менежери:

“Мамлакатингизда етиштирилган сара ва сархил мевалар ўзининг сифати ва мазаси билан ажралиб туради. Шу боис бу каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш истагидамыз. Шу билан бирга, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида гилос плантациялари барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқдик. Яқин кунларда экспорт-боп кўчат навларини экишни бошлаймиз”¹⁰.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 й. 30 ноябрдаги Ўзбекистонда экма заъфарон (шафран) плантацияларини ташкил этиш ҳамда маҳаллий шароитда сифатли доривор, озиқ овқат экспорт-боп хомашёни тайёрлашга оид фармойиши қабул қилинди. Унга мувофиқ, “Brand Investment Group” МЧЖ ва Нидерландиянинг “Mts Shipper” компанияси ўртасида заъфарон (шафран) туга-

⁷ Жорий йилдан Наманганда голланд лолалари етиштирилади // Халқ сўзи. — 2019. — 9 февраль.

⁸ Нидерландия компанияси Ўзбекистонда агрокластер ташкил этишни режалаштирмоқда // Халқ сўзи. — 2018. — 8 ноябрь.

⁹ Ўзбекистонга Голландия агросаноат миссияси нега ташриф буюрди? // Халқ сўзи. — 2019. — 12 март.

¹⁰ Ўзбекистон-Нидерландия бизнес форуми. 2019 й. 13 март //finance.uz.



нак пиёзларини харид қилиш ҳамда Ўзбекистонга олиб келиш бўйича шартнома имзоланди. 2017 й. август ойида Нидерландиядан Ўзбекистонга 36,4 тонна ўсимлик туганаги келтирилди¹¹.

Хоразм вилояти Хонқа туманидаги “Gardens Khorezm” корхонаси томонидан бир йилда уч маротаба ҳосил олиш имконини берувчи йирик иссиқхона комплекси барпо этилмоқда. Президентимизнинг 2018 й. ноябрь ойида Хоразм вилоятига амалга оширган ташрифи давомида тасдиқланган мазкур лойиҳа асосида бир йилдирки, майдони 6 гектарни ташкил этувчи корхона қурилиши шиддат билан олиб борилмоқда. Умумий ҳажми 16,9 млн. еврога тенг бўлган лойиҳа асосида “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан Германиянинг “Landesbank”и кредит линиясидан ажратилган 12,9 млн. евро миқдоридаги маблағ ҳисобига Нидерландиядан автоматик ультра иқлим бошқарув тизимига эга беш авлодли иссиқхона комплекси келтириб, ўрнатилди¹².

Кўриниб турибдики, Нидерландияда Ўзбекистондаги аграр ислохотларга юксак баҳо берилмоқда ва икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари порлоқдир.

Расмда: Фарғона шаҳрида ташкил этилган “Маҳсулотларимизни сотишда экспорт маркетингининг замонавий воситалари” мавзуидаги ҳудудий тренингида.

*Тавсия этилаётган
қўшимча манбалар:*

Van Asseldonk M., Tzouramani I., Ge L., Vrolijk H. Adoption of risk management strategies in European agriculture // Studies in agricultural economics. – 2016. – Vol.118. – №3. – P.154-162.

Акимова Ю.А. Развитие сельского хозяйства и агробизнеса в Нидерландах // Контентус. – 2017. – №1(54). – С.69-80.

Папцов А.Г. Кооперация в сельском хозяйстве Нидерландов // АПК: экономика, управление. – 2013. – №4. – С.80-87.

**Нидерланды:
оценки реализуемых в Узбекистане
аграрных реформ и перспективы
двустороннего сотрудничества**

*Кахрамон ТУРСУНОВ,
кандидат политических наук, доцент*

Ключевые слова: новейшая история Узбекистана, политика открытости, иностранные инвестиции, продовольственная безопасность.

Краткое содержание. О формировании благоприятных внешнеполитических условий для защиты и продвижения внешнеэкономических интересов Республики Узбекистан, развитии торгово-экономических связей с Нидерландами, привлечении иностранных инвестиций и передовых технологий, продвижении национальных товаров и услуг на европейские рынки и увеличении туристического потока в страну.

**The Netherlands:
assessments of agricultural reforms in Uzbekistan
and prospects for bilateral cooperation**

*Kahramon TURSUNOV,
PhD in Political Science, Associate Professor*








Keywords: Uzbekistan’s latest history, policy of openness, foreign investments, food security.

Summary. The author discusses the formation of favorable foreign policy environment for the protection and promotion of foreign economic interests of the Republic of Uzbekistan, development of trade and economic relations with the Netherlands, attraction of foreign investments and advanced technologies, promotion of national goods and services to European markets and the increase of tourist inflow into the country.



¹¹ Ўзбекистонда заъфарон плантациялари майдони қанча? // Халқ сўзи. – 2019. – 13 август.

¹² Бир йилда уч марта ҳосил олса бўлади // Халқ сўзи. – 2019. – 11 ноябрь.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, 2019.
Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент, 2019.

Мо'минов В., Каримов Н. Axborot xavfsizligi. – Toshkent, 2019.





Рустамбаев М. Одам савдоси: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба. – Тошкент, 2019.

Konstitutsiyaviy huquq. Darslik. – Toshkent, 2019.

Tursunov B., Rustambayev M., Mirazov D. Surishtiruv. Darslik – Toshkent, 2019.

Xursandov A. Fuqarolik jamiyati. – Toshkent, 2019.

Xudoyberdiyev I., Muxammadiyev A. Yuridik psixologiya. – Toshkent, 2019.



Ўзбекистон – Германия: ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги саҳифаси. – Тошкент, 2019.

Норқўзиев С. Ахлоқнинг асосий меъёрлари. – Тошкент, 2019.

Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила – Ватан таянчи. – Тошкент, 2018.

Раҳманов К., Алимов Б. Давлат хизматчисининг фаолият самарадорлигини оширишда ахборот тизимларидан фойдаланиш. – Тошкент, 2019.

Ташанов А. Маҳаллаларда ёшларни вайронкор гоёлардан ҳимоялаш омиллари. – Тошкент, 2018.



Аёллар ва эркаклар. 2015-2018. – Тошкент, 2019.




Ўзбекистонда қурилиш. 2015-2018. – Тошкент, 2019.

Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. 2014-2018. – Тошкент, 2019.

Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. 2015-2018. – Тошкент, 2019.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2015-2018. – Тошкент, 2019.





Ўзбекистонда савдо. 2015–2018. – Тошкент, 2019.

Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.
– Тошкент, 2019.

Ўзбекистонда таълим. 2015–2018. – Тошкент, 2019.

Ўзбекистонда асосий фондлар. 2016–2018. – Тошкент, 2019.

Ўзбекистон рақамларда. 2017–2018. – Тошкент, 2019.




Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. 2015–2018. – Тошкент, 2019.

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. 2015–2018. – Тошкент, 2019.

Ўзбекистонда транспорт ва алоқа. 2015–2018. – Тошкент, 2019.

Ўзбекистон саноати. 2015–2018. – Тошкент, 2019.

30. Барқарор келажак йўлида: номоддий мерос воситасида билим олиш. Осиё-Тинч океани минтақасидаги таълим соҳаси ходимлари учун қўлланма. – Тошкент, 2019.



Фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судлар қарорларини ижро этиш тартиби, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари. – Тошкент, 2019.

“Фуқаролик, маъмурий ҳамда иқтисодий суд процессларида прокурор иштирокининг процессуал-ҳуқуқий асослари”га оид масалаларни ўрганиш бўйича таҳлилий маълумотнома. – Тошкент, 2019.

Ортиқов А., Исаков М. Индустириал иқтисодиёт. – Тошкент, 2019.

Эргашев Р., Халиков С., Тошбаев А. Инновацион иқтисодиёт. – Тошкент, 2019.

Rustambayev M. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. – Toshkent, 2019.

Ўзбекистон театрлари. – Тошкент, 2019.

У Чун. Фалсафий ғоялар. – Тошкент, 2019.

Лю Вэй, Су Цянь. Хитой иқтисодиёти: ютуқлар сари изланиш йўлида. – Тошкент, 2019.

Масару Ибука. Учдан кейин кеч. – Тошкент, 2019.

Америка эртақ ва афсоналари. – Тошкент, 2019.

